




Ибодат

маъноси, сифати ва шартлари

Шайх Осим Барқовий



🏠 **ИБОТАД** рисоласи
🏠 Мутаржим: **Абу Солиҳ**
🏠 Админ: **Termiziy®**
🏠 www.risolat.net



ИБОДАТНИНГ МАЪНОСИ

Ибодат луғатда: Синиқ бўлин, бўйсунидир. Яна ҳокисорлик, сиғинмоқ ва итоат этмоқ маъноларида ҳам келади. Яъни банда ўзини синиқ тутиб итоат этмоғидир.

Шаръий маъноси: Синиқлик бирла муҳаббатни маромига етказишдир. Банда ибодатни муҳаббат ва ҳокисорлик билан бажаришидир. Ёки Шайхул Ислом ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтганларидек: Ибодат - Аллоҳ таоло севиб рози бўладиган, ошкора ва махфий бўлган ҳар бир амал ва сўзни ўз ичига дохил қилувчи калимадир.

Демак, ибодатнинг маъноси жуда кенг бўлиб, кўп одамлар ўйлаганидек маъноси қисқа эмас. Ибодатни сажда, рукуъ, намоз каби ибодатларга чеклаб қўйганларидек ҳам эмас, у тор доирада эмас. Эҳтимол инсонлар ибодатнинг бошқа турларида ўзлари сезмаган ҳолда Аллоҳдан бошқасига ибодат қилиб, кейин тавба қилмай ўлиб кетсалар, Аллоҳ таоло ҳаргиз кечирмайдиган ширк амалларини қилиб юргандир?! Аллоҳ таоло айтади: **"Аллоҳ (ибодатда) Ўзи билан (бошқасини) шерик қилинишини кечирмас, албатта"**. (Нисо: 48).

Шунинг учун, ким-ки ибодатни холис қилишга, унинг барчасини Аллоҳ учун қилишга, дўзахдан нажот топиб, жаннатга киришга умиди бўлса, шуларни хоҳласа, албатта ибодатнинг маъносини ва турларини аниқ билмоғи, тиниқ тушуниб олмоғи фарздир. Чунки бу - У Зотнинг бандалари устидаги энг улуғ ҳаққидир. Агар, бандалар ушбу улуғ ҳақни бажараолсалар, Муоз ибн Жабал розиаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда келганидек, У Зотнинг зиммасида бандаларни жаннатга киритиши бор.

Ибодат яна: Рабб таолога яқин бўлмоқ ва У Зотни улуғламоқ маъносида ҳам келади, мисол учун: сажда, рукуъ ва намоз каби ҳамда дуо каби ибодатлар.

Дуо ибодатининг туридан: Истиғоса - Аллоҳдан ўзга ҳеч ким қодир бўлмайдиган ёрдамни сўрамоқ. Ибодатнинг бу турини Аллоҳдан бошқасига қилиб бўлмайди, асло. Яна шулардан истиоза - яъни Аллоҳдан паноҳ сўрамоқ: **"Албатта инсдан бўлган кишилар жиндан бўлган кимсалардан паноҳ сўрашиб, уларга янада ҳаддан ошишни-муттаҳамликни зиёда қилар эдилар"**. (Жин: 6).



Шу жумладан У Зотдан бошқасига қилиниши мумкин бўлмаган жолиқ сўйиш-қурбонлик ибодати: яъни қон чиқари-хайвон сўймоқ, назр қилиб атамоқ ва ҳаказо, Аллоҳ таоло айтади: **"Айтинг (Эй Муҳаммад صلی اللہ علیہ وسلم): Менинг намозим, қурбонлигим, ҳаёту мамотим оламлар Раббиси Аллоҳ учунгинадир. Унга шерик бўлгувчи йўқдир. Ва мана шунга (яъни Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилишга) буюрилдим ва мен мусулмоларнинг энг аввали-пешқадамиман".** (Анъом: 162-163). Аллоҳ таоло айтади: **"(Эй Муҳаммад صلی اللہ علیہ وسلم)! Сиз Раббингиз учунгина намоз ўқинг ва жонлиқ сўйинг!"** (Кавсар: 2). Жонлиқ сўйиб қон оққизишлик ибодати худди намоз каби ибодатлардан бўлиб, буларни Аллоҳ таоло учунгина қилишлик талаб қилинган фарздир.

Дуо ҳақида Набий صلی اللہ علیہ وسلم айтдилар: "Дуо, у - ибодатдир". (Термизий).

Яна ибодат: мутлақ итоат қилиш ва бўйсунити хоҳлаш маъносида ҳам келади. Аллоҳ таоло айтади: **"Эй Одам болалари! Мен сизларга шайтонга ибодат қилмайсизлар, аниқки, у - сизларга очиқ душмандир, деб аҳду-паймон олмаганмидим?!"** (Ё-син: 60). Шайтонга бўлган ибодатдан мурод: унга итоат қилиш демак. Шунингдек Аллоҳ таолонинг Фиръавн ва унинг тарафдорлари айтган сўзлари ҳақидаги ояти: **"Улар айтдилар: худди ўзимизга ўхшаган икки кишига (яъни Мусо ва Ҳорунга) иймон келтирамизми?! Ҳолбуки уларнинг қавми (Бану Исроил) бизга ибодат қилгувчилар-ку!"**. (Мўминун: 47). Бу ўринда ҳам, ибодатдан мақсад ҳар бир ишда мутлақо "итоат этмоқ ва бўйсунмоқ" маъносида, нима деса ҳам ўшани бажармоқ маъносида. Асли бундай итоат фақатгина Аллоҳ таолога қилиниши лозим ва лобид бўлган! Энди агар У Зотдан бошқасига қилинса -унинг ҳукми- икки кўринишда бўлади:

Биринчиси: Гуноҳ-маъсият, бўлган ишларда (уларни ҳалол санамасдан, ҳаром деган эътиқод билан) итоат қилиш. Мисол учун: Шайтон бир кишига зино қилишни чиройлик қилиб кўрсатса, унга итоат қилиб қўяди ёки кишига бошлиғи ароқ ичишни буюрса, унга итоат қилиб қўяди ёки раҳбари сақолини қиришга буюрса, унга итоат қилиб қўяди ва шу билан бирга, ўша итоат қилган киши уларни ҳаром, деб эътиқод қилади... Бундай итоат тури ибодатнинг лафзига киради, ҳақиқатига эмас ҳамда қилувчисини шайтонга итоат қилди, деб айтилади, яъни унга эргашган, дейлади. Бу иш катта куфр эмас, магарам уларни ҳалол, деб айтмаса, албатта. (Агар ҳалол деб эътиқод қилса ё итоат қилмаса ҳам куфр бўлади, албатта). Аммо бу, Набий صلی اللہ علیہ وسلم ундан четланишга, ҳазар қилишга қаттиқ таакидлаган ҳаром ишлардандир: "Аллоҳга осийлик қилинадиган ўринда махлуққа итоат қилиш йўқ. Итоат фақатгина маъруф-яхши ишлардадир". (Муслим).



Иккинчиси: Ҳукм ва ташрийъда, яъни ношаръий чиқарилган қонуний тизимлардаги (ҳалол ва ҳаромга тегишли) ҳукмларга итоат қилиш. Бундай тоат-ибодат Аллоҳ азза ва жалладан бошқасига қилиниши ҳаргиз мумкин эмас. Агар бошқасига қилинса: катта ширк қилинган бўлади. Чунки ҳукм қилиш ва ташрийъ - шарият тизimini тузиш фақатгина Қаҳҳор бўлган ягона Аллоҳ учун хосдир, яъни Унинг ҳаққидир холос, бошқасининг бунга ҳаққи йўқ. Аллоҳ азза ва жалла айтади: **"Ва Ўз ҳукмида бирортасини шерик қилмайди"**. (Қаҳф: 26). Яна Аллоҳ таоло айтдики: **"Ҳукм - фақат Аллоҳникидир холос"**. (Юсуф: 40). Ҳукм ва ташрийъ Аллоҳ таолонинг "улуҳият" хусусиятларидан хос бир хусусиятдир. Шунингдек "илоҳ" калимасининг маъноларидан бўлган: "Мушаррийъ" шарият тузгувчи Зот ва Аллоҳнинг гўзал исмларидан: "Ҳакам" ва "Ҳакийм" исмлари келган. Дарҳақиқат, Аллоҳдан бошқаси ким бўлса ҳам, бирор қонун чиқарса, ё у билан ҳукм қилса, ё шарият тузса ёки одамларга манашулардан бирор ишни амр қилиб, унга мажбур қилиб, уни лозим туттурса, шубҳасиз у илоҳлик сифатларидан бирини ўзига раво кўрибди. Бунга илгари ўтган Фиръавн яққол мисолдир: **"Фиръавн: Эй вазирлар, сизларга ўзимдан бошқа илоҳни билмасман, деди"**. (Қасос: 38).


- Аллоҳдан бошқасига ҳукм ва ташрийъда (ҳалол ва ҳаромда) "шунчаки" итоат қилиш, бўйсунуш ҳақидаги далиллар роса кўпки, уларнинг барчаси ширк, деб эътибор қилинган. Шулардан Аллоҳ таолонинг сўзи: **"Шайтонлар ўз дўстларини сизлар билан жанжаллашишлари учун васвасага солади, албатта. Ва, агарда уларга итоат қилсангизлар, аниқки сизлар мушриксизлар"**. (Анъом: 121). Шайтоннинг дўстларига итоат қилишлик - Аллоҳдан бошқасига ибодат қилиш бўлиб, бу ерда ҳам ширк, деб, қаралади. Чунки бу иш ҳукм ва ташрийъдаги итоат қилиш - бўйсунушдир, яъни Аллоҳ таолодан бошқасига қилиниши жоиз бўлмаган "ҳалол ва ҳаром" ишлардаги итоатдир.

Шунингдек Имом Ҳоким ва бошқалар саҳиҳ санад билан Ибн Аббос розиаллоҳу анҳумодан ривоят қилган асарда қуйидагини келтиради: Мушриклардан бўлган айрим одамлар, мусулмонлар билан (ҳалол) забҳ ва ўлимтикнинг ҳаромлиги ҳақидаги масалада тортишдилар, ва мушриклар айтди-ки: сизлар ўлдирган (яъни забҳ қилган) нарсаларингиздан ейсизлару ва лекин Аллоҳ ўлдирган нарсалардан (яъни ўлимтиклардан) емайсиз-а?! Шунда Аллоҳ таоло айтди: **"Ва, агарда уларга итоат қилсангизлар, аниқки сизлар мушриксизлар"**. (Анъом: 121). Бу эса, манашундай ишларни: ширк, деб этибор қилинишидан айтилди. Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: Яъни Аллоҳнинг буйруқлари ва шариятини бошқасининг сўзига тенг қилсангиз ва бошқаларни Ундан устун кўрсангизлар, манашу: ширкдир.



Шунинг учун, ким-ки Аллоҳ таоло ҳалол қилган нарсани ҳаром ёки Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсани ҳалол дейилган фосид фатволарда, -соҳта-олимларга ёки бошлиқларга ёки ҳокимларга ёки одамлар ўзларича қонун чиқариб ҳукм қиладиган ҳар қандай қонунларига итоат қиларкан, шубҳасиз уларни Аллоҳдан ўзга худо қилиб олган, рабб қилиб олган бўлади: **"Аллоҳдан бошқа ўзларининг олимлари ва роҳибларини рабб-худолар қилиб олдилар"**. (Тавба: 31). Бу ерда олим ва роҳибларни рабб ё худо қилиб олишларида, уларга сажда ва рукуъ қасд қилинмаган. Балки, бу ерда ҳукм ва ташрийъда, ҳалол ва ҳаромда итоат қилганлари сабаб бўлган. Чунки бу итоат тури: айни сажда ва рукуъ каби Аллоҳ таолодан ўзгага қилиниши жоиз бўлмаган чин ибодат туридан эди. Шунинг учун Аллоҳ таоло буни улардан инкор қилиб, оятнинг ниҳоясида: **"Ваҳолбуки уларга фақатгина Биргина Илоҳга ибодат қилишлари амр қилинганди"**, деди. (Тавба: 31). Шунингдек Аллоҳнинг шариятидан бошқа қонунларга, улар каби итоат қилиб эргашганлар ҳақида Аллоҳ таоло айтади: **"Ё балки уларга диндан - Аллоҳ рухсат бермаганини шарият қилиб берувчи шериклари борми?!"**. (Шўро: 21).

Аллоҳ мени ва сизларни Ўз раҳматига олсин, бу ишдан қаттиқ четланинг, ундан узоқ юринглار. Зеро, бугун замонамизда кўп одамлар манашу сабабдан ҳалок бўлишди.



ИБОДАТНИНГ СИФАТИ

Аллоҳ таоло ибодатларни саҳиҳ, тўғри бўлишини талаб қилиб, бандаларда учта сифат топилишини хоҳлади:

1. **Муҳаббат.**
2. **Қўрқув.**
3. **Умид.**

1. **Муҳаббат:** Биз Аллоҳ таолога муҳаббат билан ибодат қиламиз. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло - Ўзига ўта муҳаббатли бўлган бандаларини мақтаб айтади-ки: **"Иймон келтирганлар Аллоҳга қаттиқ муҳаббатлидирлар"**. (Бақара: 165). Қилаётган ибодатимизни рози бўлиб қиламиз, бемалол қиламиз, ибаодатларни яхши кўриб муҳаббатан бажарамиз. Мазкур сифатлар бандаларда топилиши лозим ва лобид бўлган сифатлардир.

2. **Қўрқув:** Биз У Зотга Унинг Ўзидан ва азобидан қўрққан ҳолимизда ибодат қиламиз, Аллоҳ таоло айтади: **"Агар мўмин бўлсангизлар, улардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар"**. (Оли Имрон: 175). Аллоҳ азза ва жалла айтади: **"Улар Раббисига қўрқув ва умидворлик билан дуо-илтижо қиладилар"**. (Сажда: 16). Яъни, Аллоҳдан ва У Зотнинг азобидан қўрқиб ва мағфирати, розилиги, жаннати ва савобидан умид қилган ҳолида ибодат қиладилар.

3. **Умид:** Шунингдек биз, У Зотдангина умидвормиз: жамолидан, раҳматидан, савобидан, нусратидан умид қиламиз. Аллоҳ таоло айтади: **"Унинг раҳматидан умидворлар ва азобидан қўрқадилар. Аниқки Раббингизнинг азоби қўрқинчлидир"**. (Исро: 57).


Демак, чин мўминлар сифати: Аллоҳ таолога бир вақтнинг ўзида: ҳам **муҳаббат** билан, ҳам У Зотнинг Ўзидан ва иқобидан **қўрқиб** ва раҳматини, савобини **умид** қилган ҳолида ибодат қиладилар.

Қолаверса бу солиҳларнинг ҳолати эди. Уларнинг қаттиқ қизиқиш билан хоҳлаган истаклари эди. Дарҳақиқат, манашу сифатлар Аллоҳ таоло наздида ибодатнинг саҳиҳ васфларидир ҳамда ҳақиқий қулнинг тўғри ибодати – фақат ушбу сифатлар билан бўлади, агарда бу сифатлар топилмаса ибодат сароб бўлади.

Шунинг учун ҳам баъзи салафларимиз айтганлар-ки:



- Ким-ки Аллоҳ таолога фақат муҳаббат ила ибодат қилса, у зиндиқ-сўфийдир.
- Ким-ки Аллоҳ таолога фақат қўрқув билан ибодат қилса, у ҳарурий-хавориждир.
- Ким-ки Аллоҳ таолога фақат умид билан ибодат қилса, у муржиядир.



ИБОДАТНИНГ ШАРТЛАРИ

Ибодатнинг қабул бўлиш шартлари ҳам учта:

1. **Иймон.**
2. **Ихлос.**
3. **Эргашмоқлик.**

Қайси бир бандада мана шу уч шарт топилса, албатта унинг ибодатлари қабул бўлади:

1. **Иймон:** Иймонсизнинг ибодати рад қилинган. Аллоҳ таоло айтади: **"Эркак ёки аёлдан, ким-ки ўзи мўмин бўлган ҳолида, бирор солиҳ амал қилса..."**. (Наҳл: 97). Аллоҳ таоло бу ўринда иймонни шарт қилди.

2. **Ихлос:** Шунингдек ихлос билан ибодат қилмоқ. Ихлос бўлмаса ибодатлар қабул бўлмайди. Аллоҳ таоло ҳадиси қудсида айтади: "Мен шерикларнинг шерик бўлишидан энг беҳожат бўлганидирман. Ким бирор амал қилиб, унда Менга бошқани ҳам шерик қилса, Мен уни ҳам, шерик қилган нарсасини ҳам, тарк қилдим". (Муслим). Аллоҳ таоло амаллардан фақатгина У Зот учун холисона қилинган амалларни қабул қилади, албатта. У Зот ихлоссиз ҳар қандай амални рад қилади.

3. **Эргашмоқлик:** Шу қаторда суннатга эргашишлик ҳам. Аллоҳ таоло фақатгина Ўзи кўрсатган йўлга мувофиқ бўлган ибодатларни қабул қилади. Набий صلی اللہ علیہ وسلم айтдилар: "Кимки бу ишимизда - ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса, у мардуддир". (Муслим). Динда асли бўлмаган амални, диндан деб қилинсин, у янги пайдо қилинган амаллар ҳар қанча чирйоли кўринса ҳам, кўп бўлса ҳам, рад қилинади. Магарам суннатга эргашиб қилинган ибодатлар қабул қилинади холос.

Аллоҳ таолодан мен ва сизларга ҳам, ибодатларни тўғри қилишга тавфиқ беришини ва амалларимизни қабул этиб, хотимаимизни гўзал қилишини сўраб қоламан.

- = ﷻ ﷻ ﷻ ﷻ ﷻ = -

